

Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 6 dekabr № 50 (535)

Sotuvda narxi erkin

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ ЁН ЙИЛЛИГИ ВА РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУБОРАК!



ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига кўра **Алишер Жўракулович Хўжаев** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари этиб тайинланди.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ОШИРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Хоразм вилоятида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхона, ташкилотлар раҳбар ва масъул ходимлари, бошланғич касаба уюшмаси кўмиталари раисларининг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича ўқув семинар ўтказилди.

Семинарни "Хоразм Телеком" филиали директори Ортиқбой Оллабергенов кириш сўзи билан очди. Даставвал семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллиги муносабати билан ҳаётимиз асоси бўлган ҳуқуқий ҳужжат тўғрисида қизиқарли маъруза тингладилар. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси раиси Т.Назаржонов, "Adolat kuchi" адвокатлик фирмаси бош директори М.Тожибоев ва адвокат М.Тургуновлар тadbирни ноанъанавий усул-

да олиб боришди. Уларга иштирокчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси ва меҳнат муносабатларига оид саволлар берилди. Жонли мунозара давомида иштирокчилар ишга қабул қилиш, ишдан бўшатилш ёки қисқартириш, меҳнат шартномаларини расмийлаштириш ёки бекор қилиш, таътилга чиқиш каби ҳолатларни амалга ошириш бўйича аниқ тушунча ҳосил қилдилар. Иш жараёнида узраб турадиган муаммолар ҳақида ўртага ташланган саволларга батафсил жавоб берилди.

Семинар қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Худди шундай тadbир Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида ҳам ўтказилди.

Ф. МУҲАММАДИЕВ,
Хоразм вилояти

Юрдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг ўн йиллигини нишонлаш арафасида.

Янги Конституция тўғрисидаги ғоя Олий Кенгашнинг 1989 йил, 24 мартда бўлиб ўтган XII чакриқ биринчи сессиясида илк бор тилга олинган. Ушбу сессияда Собих Иттифок давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавазими тасвир этилди. Бу — мамлакат раҳбари бошчилигида мустақиллик сари ташланган дaдил қадам эди.

1991 йил, 31 августда бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг олтинчи сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилиниб, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун қуча кирди. Шу йил 30 сентябрда ўтказилган еттинчи сессияда ушбу қонунга конституциявий қонун мақоми берилди.

1990 йил, июн ойида бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида Президент раислигида Конституция комиссияси ту-

МУСТАҚИЛЛИК ҚОМУСИ

зилган эди. 1992 йилнинг 2 июлида Олий Кенгаш қарори билан унинг таркиби қисман янгиланди. Комиссия эзмасига янги Конституция лойиҳаси борасидаги ишларни ниҳоясига етказиб, уни умумхалқ муҳокамасига чиқариш, билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобат олган ҳолда қайта ишланган Конституция лойиҳасини Олий Кенгаш муҳокамасига киритиш вазифаси топширилди. Лойиҳа 1992 йил, 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилингандан кейин меҳнат жамоаларида, ўқув юрларида, фуқароларнинг тураржойларида, оммавий ахборот воситаларида уни тушунтириш, тарғибот қилиш ишлари олиб борилди. Муҳокамада барча фуқаролар фaол қатнашдилар.

Дастлабки муҳокама жараёнидаги фикр ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда 1992 йилнинг 21 ноябрда лойиҳа иккинчи бор матбуотда эълон қилинди. Ниҳоят, янги таклифлар ҳам умумлаштирилиб, лойиҳа 1992 йил, 8 декабр кунин Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига киритилди ва қабул қилинди.

Мустақил давлатимизнинг амалдаги Конституцияси ўзининг туб мо-

ҳияти, фалсафа ва ғоясига кўра Собих Иттифок даврдаги Конституциялардан бутунлай фарқ қилади. Конституциямизда "дунёвий неъматларнинг энг улуғи инсондир", деган фикр илгари сурилган ва шунинг асосида "фуқаро-jamiyat-давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга ҳаракат қилинган.

Барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий давлатнинг асосий белгисидир. Конституциямизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принциплари қондалари қамраб олинган. Кишилар ҳаёти, шахси ва эркинликлари дахлсизлиги ўз ифодасини топади.

Конституция мустақил ҳуқуқий йўлимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. У халқимизнинг иродасини, рудийатини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

М.ТУРГУНОВ,
"ADOLAT KUCHI" адвокатлик фирмаси адвокати

ТАКТИК МАШҒУЛОТ ЎТҚАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва "Ўзбекистон почтаси" ДАК буйруқларига асосан жойларда Почта алоқа хавфсизлик хизмати бўлинмалари ташкил қилинган эди. Маъжур хизмат томонидан "Фарғона почтаси" АЖда почта жўнатмалари орқали ман этилган турли хил зарарли моддалар юборилишининг олдини олиш бўйича зарур чора ва тadbирлар кўрилмақда.

Корхонада почта хизмати ходимлари хавфсизлигини таъминлаш, турли юқумли касалликлар тарқатувчи моддаларни почта жўнатмалари орқали юборилишининг олдини олиш мақсадида тезкор гуруҳ тузилган. Гуруҳ аъзолари корхонада почта жўнатмаларини қабул қилиш ва жўнатиш учун масъул бўлган ходимлар хавфсизлигини таъминлайдилар. Почта жўнатмалари билан шуғулланувчи хавфли иш ўринларини аниқлаш, ушбу юмушда банд бўлган ходимларни махсус кийим ва бошқа ҳимоя воситалари билан таъминлаш каби ишларга катта эътибор қаратилган. Шунингдек, 800 дан ортиқ почта алоқаси хизматчилари юқумли касалликларга қарши икки мартадан эмланди.

Яқинда вилоят Фавқулодда ҳолатлар бошқармаси шаҳар бўлими ходимлари томонидан "Фарғона почта"да ўқув семинари ўтказилди. Почта хавфсизлиги бўйича бўлиб ўтган ушбу тактик машғулотларда почта хизматчи ва раҳбарларнинг фавқулодда вазият юз берганда ўз вазифаларини қий даражада бажаришлари синовдан ўтказилди.

У.ИСКАНДАРОВ,
Фарғона вилояти



Тошкентда биринчи қор.

КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллиги муносабати билан Агентлик марказий аппарати раҳбар ва мутахассисларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентликнинг Кадрлар ҳамда мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи М.Рустамова ва Юридик

бўлими бош ҳуқуқий маслаҳатчиси Б.Жабборовлар олиб борди.

Йиғилишда Тошкент ахборот технологиялари университети катта ўқувчиси Х.Каримов сўзга чиқиб, қатнашчиларга Конституция ҳақида маълумот берди. Йиғилишда уларнинг қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз



АЛЛО, СИЗНИ "ЎЗБЕКISTON ПОЧТАСИ" ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИ ЎРИНБОСАРИ ЭШИТАДИ!
Хурматли муштарийлар!

1. Сиз Республика почта хизмати бўйича қандай таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирмоқчисиз!
2. Пенсия тўловлари, хат-хабар, матбуот нашрлари ҳамда пул жўнатмалари етказиб бериш хизмати Сизни қониқтирадими?

3. Почта алоқа бўлимларининг миқозлар билан ишлаш, кўрсатилаётган хизмат сифати, почта ходимларининг касб маданиятидан кўнглингиз тўладими?

Хуллас, Сизни қизиқтираётган барча саволларга шу йил, 24 декабр кунин, соат 10⁰⁰ дан 12⁰⁰ гача "Ўзбекистон почтаси" ДАК Бош директори ўринбосари **Раҳимжон ТУРГУНОВ** 136-36-57 телефони орқали тўғридан-тўғри жавоб беради. Мақтубларингизни Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 2-уй, "Ўзбекистон почтаси" ДАК ёки Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй, "Хабар" тахририятига йўллашингиз мумкин.

Олдиндан бермоқчи бўлган саволларингиз қуйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади:

136-01-89, 133-62-34, 136-09-21 (факс) 144-29-09, 136-36-42 (факс)

Электрон почта манзили: habar@uzapt.uz

"Bevosita мулоқот"да кўтарилган дол-

зарб савол-жавоблар газетамизнинг 2003

йил, 3 январ сонида чоп этилади.



ПЕНСИЯ ТЎЛОВИДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

●Муаммо
●Мулоҳаза

Почта алоқаси халқ хўжалиги ва аҳолига хизмат кўрсатишда ўз ўрнига эга. Хат-хабарларни етказиш, пенсия ва нафақаларни эгаларига элтиб бериш почта хизматида муҳим аҳамият касб этади. Бунда почта ходимларига катта ишонч билдирилиши билан бирга катта масъулият ва мажбурият юкланади.

Почта ишини тартибга солиб туриш, турли қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида мавжуд йуриқномаларга асосан алоқа бўлимлари ҳар йили икки марта тўсатдан ва режали текширилади. Бундан ташқари комплекс ҳамда Давлат алоқа инспекцияси текширувлари ва бошқа тафтишлар ўтказилади. Шунингдек, алоқа бўлимлари ҳар ойда қундалик орқали тўлиқ ҳисобот топширади. Шу ерда ҳақли савол туғилиши табиий. Хўш, шунча текшир-текширларга қарамай нега ҳамон айрим почта ходимлари, айниқса алоқа бўлими бошлиқлари орасида билдирилган ишончини суиистеъмол қилиш ҳоллари учрамоқда? Нима учун бундай салбий ҳолатларга узил-кесил барҳам берилмапти?

Сўнги йилларда Республика алоқа бўлимларининг иши билан яқиндан танишиб, жойларда аниқланган ўзлаштириш тафсилотлари таҳлил қилинганда аксарият ўзлаштиришлар алоқа бўлимларида содир бўлаётгани аниқланди. Чунки барча бирламчи ҳисоботлар алоқа бўлимида юриштилади, пенсионерлар билан бевосита мулоқот олиб бориш ва олинган нақд пулларнинг ҳаражатта чиқарилганини асослаш ҳам шу ерда амалга оширилади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, жойларда пул маблағлари асосан 10-а шакл ва яқини ҳисоботларга қўшиб ёзиш, қўшимча сохта тўлов варақасини ишлатиш (Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ходимлари билан келишилган ҳолда), вафот этганларга пенсия тўлаш, тўлов варақаларидаги рақамларни ўзгартириш, пенсионерлар имзосини қўйиш (сохта имзо), тўланмаган пулни тўлангани ҳақида ҳисобот бериш, қабул қилинган нақд пулнинг бир қисмини ёки бир қунлигини тўловга чиқармасдан пайсалга солиб юриш каби ҳолатлар орқали ўзлаштирилмоқда.

Алоқа бўлимлари томонидан ҳисобот топширилганда ҳеч қим ҳар бир пенсионерга берилган пулни бирма-бир сўраб суриштирмайди, чунки йуриқномада бу нарса кўзда тутилмаган. Шунингдек, қундаликка қирим қилинган пуллар ўша қуни киритилганини ёки кейин-

роқми аниқлаб бўлмайди. 10-а шакл ҳисоботлари олдинги ойда деярли умуман солиштириб чиқилмайди ҳамда тўлов варақалари мунтазам текшириб борилмайди. Айрим тўлов варақалари йиллаб текширилмаслиги ҳам мумкин. Аксарият алоқа бўлими бошлиқлари бевосита ижтимоий таъминот бўлимларига ҳисобот топширади. Бу ерда албатта инсон омили катта рол ўйнайди. Таассуфки, беш қўл баробар бўлмаганидек, бир нопок ходим ўзига берилган варақалардан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, бутун бир вилоят, ҳатто Республика почта ходимларининг юзини ерга қаратиб қўймоқда. Кейинги пайтларда бундай ҳолатларнинг кўпайиб юз бераётгани эса омма орасида жиддий норозиликка сабаб бўлмоқда. Ушбу ноҳушликларнинг олдини олиш учун комплекс тадбир ишлаб чиқиш, ҳаётта татбиқ этиш лозим. Бу тадбирлар қуйидагича:

- тўлиқ беш кунлик ҳисоботга ўтиш: бунда ҳар бир алоқа бўлими оининг 5, 10, 15, 20, 25 саналари ва ой якунида қундаликнинг беш кунлик варағини тўлдириб, тўлиқ қирим-чиқим бўйича бухгалтерияга ҳисобот топширади;
- ҳар бир алоқа бўлимидаги пенсия тўлов ҳужжатларини ҳар ойда юз фоиз текшириб чиқиш;
- ижтимоий таъминот бўлимлари билан фақат марказлашган ҳолда алоқа олиб бориш;
- пенсия бўлимини ташкил этиш.

ПЕНСИЯ БЎЛИМИ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

— Ҳар бир туман алоқа филиалида пенсия тўлови ва нақд пул тушуми назорати учун ўз имкониятидан келиб чиқиб пенсия бўлими ташкил этилади. Иш ҳажмига қараб назоратчилар ўрин жадвалига киритилади;

— пенсия бўлими учун алоҳида хона ажратилиб, хонага нечта алоқа бўлими бўлса, шунча катакли шкаф қилинади ва эшиги иш тугагандан кейин муҳрлаб қўйилади;

— пенсия бўлимида ҳар бир алоқа бўлими бўйича бир ой учун пенсионерларга (топшириқнома ёки ведомост бўйича) қанча сумма тўланиши тўғрисида аниқ маълумот юриштиш дафтари тузилади;

— алоқа бўлимларига жуна-тиладиган таянч пуллари алоқа

бўлимининг ой давомида тўланадиган пенсия суммасига қараб тайёрланади. Ушбу жараёнда хазиначи, унинг навбатчиси ва бўлим бошлиғи ўринбосари билан бирга пенсия бўлими бошлиғи ҳам иштирок этади;

— алоқа бўлимига ҳар кунлик пенсия тўлови имкониятини ҳисобга олган ҳолда таянч пуллари жўнатилади;

— алоқа бўлими бошлиғи таянч пулини пенсия учун тўлагандан кейин тўлов суммасига мувофиқ топшириқномаларни ф-16 га ёздаи ва эртасига сўғурта қолга солиб, почта алмашуви орқали пенсия бўлимига жўнатади.

Пенсия бўлимида алоқа бўлимидан жўнатиладиган топшириқномалар назоратчи томонидан реестр ф-10^а билан бирма-бир қўриб чиқилади. Шунингдек, топшириқноманинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги, пенсия пенсионернинг ўзига тўланганлиги, топшириқномада олунганининг паспорт рақамлари ёзилганлиги ва намуна имзоси борлиги, пенсионернинг кейинги ойларидаги имзоси намуна имзога мослиги, тўланган сумма топшириқномада кўрсатилган суммага тўри келиши ва бехато ёзилганлиги (чиғиб, бўялмаганлиги) ҳамда топшириқномага билдириш қоғози келмагани ва тўлов муддати тугамаганлиги текширилади. Бундан ташқари ойма-ой реестр ф-10^а тўланган топшириқнома 2 (икки) марта ёзилиб кетмаслиги учун солиштириб чиқилади. Тўланган топшириқномалар пенсия бўлимида йиғиб борилади. Янги ой тўлови топшириқномалари алоқа бўлимлари бўйича тўланадиган топшириқнома сонига ва суммаларига қўшиб ҳисоботга киритилгандан кейин алоқа бўлимларида жўнатилади. Билдириш қоғози билан тўлови тўхтатилган ва тўлов муддати тугаган топшириқномалар алоқа бўлимига жўнатилади. Эгаси топилмаган ҳамда манзили нотўри топшириқномалар эса алоқа бўлимидан олиниб, ижтимоий таъминот бўлимига юборилади. Қундалик ф-130 пенсия бўлимидан ўтмаса беркитилмайди. Қайси алоқа бўлимидан топшириқномалар қайтмас а таянч пуллари жўнатишмайди. Топшириқномалари қайтмаган алоқа бўлимининг иши текширилади ва сабаби аниқланиб, чора қўриш учун раҳбариятга топширилади.

Р.ТУРГУНОВ,
«Ўзбекистон почтаси»
ДАК бош директори
ўринбосари
(Давоми келгуси сонда.)

Ўрта мактабни битириш арафасида турган Усмир бундан роп-па роса 34 йил олдин Жондор туманидаги Моҳонқул алоқа бўлимига хат ташувчи бўлиб ишга кирди. Йилгитча дарсдан бўш пайтларида алоқа бўлими сари ошқар, шу соҳада ишлаш иштирокини тинчлик бермасди. Уша йиллари тўрт алоқачиларни ўртасида



энг қаққон хат ташувчи айнан шу йилгитча бўлгани ҳам бежиз эмасди.

Оралан йиллар ўтди. Тошкент ўрта мактабни, сўнгра Дастлаб электротехника алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот техно-

Мўзаб қўлига

лан ҳамкорликда илчил фаолият кўрсатиш, энг муҳими — софдил ва ҳалол бўлиш ўз самарасини берди. Уроқ ақанинг хизмат хонаси ҳамкасблари билан ҳаммаша гавжум. Алоқа иншоотлари ва қурилмаларининг техник жиҳозланиши, шаҳар ва туман боғламалари билан оларини реконструкциялаш, телефон станцияларидаги носозликларни тугатиш билан боғлиқ масалалар, ягона компютер тизимига ўтказилган электрон почта хизматлари оид жараёнлар, маркетинг тадқиқотлари билан боғлиқ бошқа муаммолар муҳоамама этилади. Баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган ҳоллар тез-тез учраб туради. Уроқ Тўхтаев «Бухоро Телеком» филиали директорининг ўринбосари сифатида тиним билмайди. Вилоят алоқа ходимлари ва уларнинг талабчан раҳбарлари сўбй-қўрақати билан кейинги йилларда қўлга киритилётган ютуқлар салмоқли бўлмоқда.

Олинди яна янги режалар, ва-

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

логиялари университети)ни битирган Уроқ Тўхтаев мустақил ҳаётга қалам қўйди. Олий ўқув юртида олган назарий билимлари ва амалий қўникмаларини қундалик иш фаолиятида дадил қўлай бошлади. Ёш мутахассис электралоқа муҳандиси сифатида дастлаб Жондор тумани линия техник цехида, кейинчалик эса туман алоқа боғламасида фаол иш олиб борди. Маълум муддат давомида мазкур меҳнат жамоаларига бошчилик ҳам қилди.

Уроқ Тўхтаевнинг вилоят Давлат алоқа инспекциясига раҳбарлик қилган йилларини ҳамкасблари яхши эслашади. Турли йилларда у билан ёнма-ён меҳнат қилган, аҳолига ва халқ хўжалиғи тармоқларига малакали ва сифатли алоқа хизмати кўрсатишда ҳамкорликда иш олиб борган кишиларнинг қай бири билан сўбхатлашманг, Уроқ ака ҳақда самимий, иллик сўзларни эштангиз. Ўзига ва бошқаларга талабчанлиги унинг доимий шиори ва эътиқолига айланган.

Муҳандис-техник ходимларни ягона ва эзгу мақсад сари сафарбар этиш, уларнинг эртанги кунига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, алоқа соҳасидagi камчилиги ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этишда соҳа раҳбарлари би-

зибалар турибди. — Яқин 1-2 йил ичида вилоят тизимидаги 20 та қишлоқ АТСларини рақамли тизимга ўтказиш режалаштирилган, — дейди Уроқ Тўхтаев. — Бу иш Япониянинг «SBOC» банки кредити ҳисобидан амалга оширилади.

Дарҳақиқат, шунга ўхшаш режалар алоқа хизматини янада яхшилаш, уни давр талаблари даражасида қўтариш борасидаги ишлар ниҳоятда қўп. Фурсат эса тингиз. Утаётган ҳар бир кун бутун куч-ғайрат, билим ва тажрибани қундалик ишга тўлиқ сафарбар этишни тақозо этади.

Ушшабарнинг қаноти бор, дейишади. Хитойнинг Гонконг шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган бутундун алоқачиларнинг телекоммуникацияни ривожлантиришга бағишланган халқаро анжуманига Уроқ Тўхтаевнинг ҳам тақдир этилганлигини эшитиб, ҳамкасбларининг қувончи чексиз бўлди.

«Бухоро Телеком» филиали ярамоси номидан Уроқ ақани ярим асрилик таваллуд тўйи билан муборакбод этамиз. Унга ошларий хотиржамлик, узоқ умр, ишларини янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

А.ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

ИШЛАГАНГА НЕ ЕТСИН...

«Андижон Телеком» филиали Хўжаобод телекоммуникация боғламаси бошлиғи Маммурад Астаманов Давлатбой ака билан қўришиб, ҳол-аҳвол сўради. Сўбхат чоғида бошлиқ фахрийни шартнома билан ишлашга тақдир қилди. Бир нарсасини йўқотгандай бўлиб юрган Давлатбой ака бу тақдирга рози бўлди.

Шундай қилиб, собиқ линия муҳандиси Давлатбой ака шартнома асосида Хўжаобод телекоммуникация боғламаси линия паспортлаштириш ишларига масъул этиб тайинланди. Пенсияга чиққандан бери қатрдор соҳасини соғиниб қолган эканми, ишга астойдил киришиб кетди. Ўзи ҳам ишнинг қўзини биладиган мутахассис эмасми, тезда линия ва ҳўжжатлар инвентаризацияси, чизма ва схемаларни аввалгилек йўлга қўя бошлади.

Д. Мамарасулов корхонада шартнома билан ишлаётган ягона фахрий эмас. Шу кунларда яна бир

фахрий мутахассис Валентин Мелник ҳам шартнома асосида иш бошлади. У Хўжаобод шаҳри миқозларига алоқа жиҳозлари ва ускуналарини таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатмоқда.

«Андижон Телеком» филиали тизимида меҳнат фаолиятини давом эттираётган нафақачилар талайгина. Қўронтангада муҳандис Иброҳимжон Тиллабоев, Қорасувда муҳандис Муҳаммаджон Хайдаров, ижронга аппаратида мутахассислар Жўраҳон Маммажонов, Илоза Шарипова ва Раиса Ҳамроқуллова, Андижон шаҳрида Манук Манасян ҳамда Ҳалимжон Ҳосилов, телефон соҳасида Шаҳлолат Ҳошимова, Валентина Шужома, Олтинқул Абдурахим Қодиров сингари мутахассислар вилоятда алоқа тизимининг барқарор ишлаши ва ривожланиши борасида ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Р. УЗОҚОВ,
Андижон вилояти

«ХАВАР» газетаси жамоаси газета Бош ҳисобчиси Г.Отахоновага отаси

ҲАМДАМАЛИ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

«Тошкент Телеком» филиали жамоаси Келес телекоммуникация боғламаси бошлиғи Ф. Азимовга онаси **МАРҲАМАТ** аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЭЛЕКТРОМАГНИТ ЛОКАЛИЗУВ
МАРКАЗИ ХАМОДИ

Республикамиз алоқачиларини
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг фи
аиллиги ва Рамазон
Ҳайити байрами билан
самимий муборакбод эилади.

Ҳар бир охонадонга тинчлик,
хотиржа, п.лик, рўшнолик сўлида
қўн-варақа тилаймиз.

Бир куни Пайгамбаримиз (С.А.В.) Сафо тепалиги этагида утирардилар. У ердан утиб кетган кофир Абу Жаҳл ва унинг лаганбардорлари Пайгамбаримиз (С.А.В.)ни ҳақорат қилдилар. Пайгамбаримиз (С.А.В.) ҳеч нарса демасдилар. Кофирлар сўкина-сўкина кетдилар. Абу Жаҳл ва унинг шериклари қилган бу ёмонликларни Ҳазрат Ҳамзанинг хизматчиси кўрди ва эшитди.

Ҳазрат Ҳамза ўша куни овга кетган эди. Ҳазрат Ҳамза овдан ўқ-ёйлар буйида, қилчи беллида қайтиб келди. Хотин (чурисининг) кўзларида бир гамгинлик бор эди. Ҳазрат Ҳамза ундан сўради:

— Хафа бўлиб, йиғлаган куринасан. Ахволинг яхшими, нима будди, айт?

Чури хотин:
— Хафа бўлайми нима қилай? Мен бир аёлман, яна чуриман, қўлимдан нима ҳам келарди, — деб айтди.

Ҳазрат Ҳамза:
— Нима будди, тезроқ айт, — деди.

— Нима бўларди... Шу кунга қадар бошингизга қўйиб эъзозлаганингиз, ўзингизнинг қиладиган ишларингизда доимо фойдаланганингиз, ахлоқини, фазилатини, тўғрилигини жонингиздек севган қариндошингизнинг ўғлидан Пайгамбарлиги эълон қилинган, ҳаммангиз ўзингизни айирдингиз. Уни ёлғизлатиб бир

қанча зolimларнинг ҳақоратига йўл кўйдингиз... Мана, бугун Абу Жаҳл ул муҳтарам зотни ҳақорат қилиб, ёмон сўзлар билан куфрлар қилганидан еру кук йиғлади, мен ҳам йиғладим, — деб аёл қаттиқ йиғлай бошлади-да, давом этди: — Холбуки, сиз Курайшнинг энг улуг қаҳрамонларидансиз. Ҳошим ўғилларининг энг эътиборли, куч-

ҲАЗРАТИ ҲАМЗАНИНГ МУСУЛМОН БЎЛИШИ

ли, қувватли арслонисиз... Мен нима қила олардим, бир муштипар аёлман.

Чурининг имон-ла йўрилган қалбининг оташи ила ёниб қилган хитоблари Ҳазрат Ҳамзага қаттиқ таъсир қилди, акраболлик, қариндошлик ҳисларини уйғотиб, гайратга келтирди. Ҳазрат Ҳамза ов кийимларини ечмай, тўппаттўтри Курайш кофирлари тўплатиб ўтирадиган "Дуруннадво" номи уйга қараб кетди. Абу Жаҳлнинг лаганбардор ҳамтовоқлари атрофини ураб ўтиришарди. Ҳазрат Ҳамза Абу Жаҳлнинг қарши-сида шу пайтгача ҳеч қурлмаган бир паҳлавон бўлиб турди ва:

— Бугун қариндошимнинг ўғли Муҳаммад (С.А.В.)га қўполлик ила куфрлик қилган сенмисан? — деб Абу Жаҳлни ўқ-ёй билан мулжалга олиб отди. Ўқ Абу Жаҳлнинг бошига тегиб, қон оқа бошлади. Абу Жаҳлнинг тилбегла-

• Ислому маърифати Юсуф ТОВАСЛИЙ

ма шериклари Ҳазрат Ҳамзага ташлаиб ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Аммо Абу Жаҳл: "Тухтанг, Ҳамза ҳақ. Мен унинг қариндоши ўғлини ҳақорат қилдим", деди. Абу Жаҳл бир шайтонсифат одам эди. Ҳазрат Ҳамза уларига жаҳл қилиб, қизишиб Ҳазрати Муҳаммад (С.А.В.)нинг динига кириб, мусулмон бўлишдан кўриб Ҳазрат Ҳамзани тинчлантирмоқчи, алдамқоқи бўлди.

Ҳазрат Ҳамза у ердан чиқиб, Пайгамбаримиз (С.А.В.) ҳузурларига борди ва:

— Эй, қариндошимнинг ўғли! Қимматли жияним, Абу Жаҳлнинг куфр тўла бошини яраладим, ул ҳозир қонга беланиб ётибди, сенга қилган қўполлигининг жазосини бердим. Энди мендан мамнунмисан? — деди.

Пайгамбаримиз (С.А.В.) севимли амакисига жавоб бериб:

— Эй, севимли амаки! Мен бу сўзлардан мамнун бўлолмайман. Мен фақат сен мусулмон бўлганингизга севинман, мамнун бўлман, — дедилар.

Ҳазрат Ҳамза шу заҳоти мусулмон бўлди, Калимаи Шаҳодат келтирди ва шу кундан бошлаб мусулмонлар тарафини олиб маърузалар қилди, шетьрлар ўқиди, уларни муҳофаза этди.

САДАҚАДА ЕТТИ ХИСЛАТ

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Пайгамбар алайҳиссаломдан ривоят қиладиларки: "Ким бир дона хурмо ёки хурмо баробарида бир нарса садақа берса, қиёматда бир тоғ миқдорича савоб тошгай".

Эй биродари азиз, билгилки, садақада етти хислат бордир: Биринчиси — берган садақаларинг сени муҳофаза қилур ва сенга келаётган балоларни даф этур. Иккинчиси — берган садақаларинг касалингга даво бўлмай. Учунчиси — берган садақаларинг сенга посбондир. Туртинчиси — садақанг Худойи таолонинг разабини сундиради. Бешинчиси — берган садақаларинг ёру биродарларинг ила улфат қилур ва барча мардумлар сенга дўст бўлаёйлар. Олтинчиси — садақа кунглини соф ва қалбини мулойим қилур. Еттинчиси — садақа умринингиз узаймоғига ҳам сабабдир.

«Мусулмонлар тақвими-китоби»дан

МУҲАББАТ, БУ — ...

♥ Муҳаббат бурч бўлган жойда нафрат лаззатга айланиши мумкин.

♥ Нафратта кўникиш мумкин, муҳаббатта эса кўникиб бўлмайди.

♥ Муҳаббатнинг муҳаббат билан қурашуви муҳаббатнинг нафрат билан қурашуvidан кам фожеа эмас.

♥ Муҳаббатнинг тескариси нафрат эмас, лоқайдлик.

♥ Севганингни соғиниб яшаш суймаганинг билан яшайдан кўра енгилроқ.

♥ Нафратни яшириш осон, муҳаббатни яшириш қийин, ҳаммасидан қийини лоқайдликни яширишдир.

♥ Жавобли нафратдан кўра жавобсиз сеvgи афзалдир.

♥ Нафратта қарши энг яхши даво — ҳижрон.

♥ Севгига энг муносиб бўлаётганга у камроқ бахт келтиради.

♥ Эрак киши ҳар қандай аёл билан бахтли бўлиши мумкин, фақат уни яхши кўриб қолмаган бўлса.

♥ Бахтимиз учун етарли бўлган нарса ҳузур-ҳаловатимиз учун етарли бўлмаслиги мумкин.

♥ Муҳаббат реал воқеликни ҳис қилиш туйғусидан бўлак ҳамма туйғуларни сезгир қилади.

♥ Юракдан севиб қолгунча биз тасаввур билан севиб қолган бўламиз.

♥ Ўлим бизни жудо қилмагунча сени севаман, ана ўшанда биз мангу қовушамиз.

♥ Хали биронга эрак сеvgидан ўлгани йўқ.

♥ Юракда ажинлар эмас, фақат чандиқлар бўлади.

♥ Биз худимиздан кўра юрагимизни бажонидил тақдим этамиз.

♥ Юрак ва ақл фақат маслаҳат овозига эга. Ҳал қилувчи овоз танага тегиши.

Ш.ЭРГАШЕВ тайёрлаган

72 КУНЛИК МУСИБАТ

Анд тоғ тизмаларида 1972 йили авиаҳалокатга учраб, омон қолган регби бўйича Уругвай жамоасининг собиқ аъзолари 30 йил ўтиб Сантьяго-де-Чилида яна тўпланишди.

Спортчилар Чили терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиш учун йўл олган эдилар. Лекин учувчининг хатоси билан уларнинг самолёти Андининг юқори чўққиларига қулаб тушди. Йўлов-

чиларнинг кўпчилиги оғир тан жароҳати олиб, очлик ва совуққа дош бера олмади. Тирик қолганлари эса, очликдан сақланиши мақсадли вафот этган ўртоқларининг танасини ейтишга мажбур бўлади. 72 кунлик азоб-ўқубатлардан ўзда куч топа билган 16 кишигина — инсон қалами етмаган тоғ тизмасидан ўтиб, ёрдам чақиришга таваккал қилиб кўрган икки спортчининг жасорати натижасида омон қолди.

ПАЙГАМБАРИМИЗ НАСИХАТЛАРИ

Барча хайрли амалларни қилаверинглар, чунки ҳар бир киши нима учун яралган бўлса ўшанга муяссар бўлади.

Аллоҳга имон келтиригандан сўнг амали сохиларнинг афзали кишилар билан дўстлашишдир.

Мўминларнинг афзали хулқи яхшироғидир.

Салақанинг афзали мусулмон киши илм ўрганиб, сўнгра бошқа биродарига ўргатишдир.

Касбнинг афзали ҳалол савдо ва кишининг қўл меҳнатидир.

Парвардигоро, кўринишимни чиройли қилдинг, хулқимни ҳам чиройли қилгин.

Ким Аллоҳдан кечирим сўраса, Аллоҳ кечиради.


Ким мусибатга сабр қилса, Аллоҳ ўрнини босувчи яхшилик беради.

Албатта дунё ширин ва кўркем — Аллоҳ таоло ўша дунёга эга қилиб қўйиб қанақа амал қилишингизни кузатади.

Аллоҳ ўзи кечирувчи зот, кечиргучини яхши кўради.

Аллоҳ таоло сизларнинг суратингиз ва мол-дунёларингизга қарамайди, балки дилларингиз ва қилган амалларингизга қарайди.

Аллоҳ таоло ота-боболарингиз номи билан қасам ичишларингизни ман қилади.



Ташкент шаҳридаги Шайх Зайниддин жомеъ масжиди.

Солиҳ ЗОИР олган сурат

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"ХАВАР" газетаси жамоаси газета муҳбири Усмоножон ЙЎЛДОШЕВНИ туғилган куни билан самимий табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ижодий баркамоллик, келгуси ишларида ривож тилаб қолади.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касоба уюшмаси марказий кўмитаси жамоаси "Қорақалпоқ почтаси" АЖ Хужайли филиали иқтисодчиси, касоба уюшмаси кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Раҳим БОЛТАБОВЕВНИ 55 ёшга тулиши муносабати билан чин юракдан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

Ҳурматли Жаҳонгир ПИРНАЗАРОВ!

Сизни 40 ёшга тулганингиз муносабати билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ҳамда ишларингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Оила аъзоларингиз ва дўстларингиз, Ташкент шаҳри.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш
агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДУЖАЕВ,
Шухрат ЖАББОР,
Анатоллий КУДИНОВ,
Иззат АХМЕДОВ
(Боз муҳаррир ўринбосари),
Мирпўлат МИРЗО,
Рустам КОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Ташкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42
Habar@uzapt.uzpak.uz
ИНДРС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатда олинган.
Буюртма №Г-1070.
5085 нусxada чоп этилди. Офсет
усулида босилди. Бичими А-3, ҳаржми
1 босма табоқ.
Газета таҳририят компютер базасида
терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.

Монзил: Ташкент шаҳри,
«Фуюк Турно» кўчаси, 41-уй.
Матн тўрғун: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМсанбоб

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00